



## ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Охунов Зафар Мамуржон ўғли<sup>1</sup>

Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли<sup>2</sup>

<sup>1-2</sup>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчилари

Электрон почта: [akhunov.z.m@gmail.com](mailto:akhunov.z.m@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7139131>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 01<sup>st</sup> October 2022

Online: 03<sup>rd</sup> October 2022

### KEY WORDS

Талабалар, таълим муассасалари, ички ишлар органлари, профилактика инспектори.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кунда Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар, сабаб-шароитларини бартараф этишда ички ишлар органлари иштироки илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, керакли таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Сўнги йилларда маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши мамлакат аҳолисининг аксарият ижтимоий ва ёш гуруҳларининг жамоатчилик онгига салбий таъсир кўрсатганлигини, ватанпарварликни шакллантиришнинг энг муҳим омиллари сифатида маданият, санъат ва таълимнинг тарбиявий таъсирини кескин пасайтирганлигини тасдиқлади. Жамоатчилик онгида бепарқлик, худбинлик, индивидуализм, тажовузкорлик ва давлатга ва ижтимоий институтларга нисбатан ҳурматсизлик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Бундай шароитда таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни, фуқаролик ва ватанпарварликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминланиши керак; оммавий ватанпарварлик

ишлари; оммавий ахборот воситалари, илмий ва бошқа ташкилотлар, ижодий уюшмаларнинг ватанпарварлик тарбияси муаммоларини кўриб чиқиш ва ёритишга, фуқаро шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тубдан ислоҳ қилиниши керак[1].

Шу ўринда, Давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимини такомиллаштириш, келажак авлодга муносиб профессионал билим бериш орқали уларни замон талабларига мос равишда шакллантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[2]. Асосий мақсад талаба-ёшларни ҳар томонлама етук, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган “оммавий маданият”, ёт ва бузғунчи ғоялар таъсиридан сақлаш ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда, сўнги вақтда ёшлар, айниқса талабалар томонидан содир



этилатган жиноятларнинг салмоғи юқорилигича қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада Ички ишлар вазирлиги томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойлар (таълим муассасалари)га чиқиб, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида турли ҳуқуқий-профилактик тарғибот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Р.Ғ.Жумаевнинг фикрича, талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш учун таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўрни жуда муҳимдир. Шуни унутмаслик керакки, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълимдан ёки фақат ҳуқуқшуносликни ўқитишдангина иборат эмас[3].

Шунингдек, Юртбошимизнинг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ички ишлар вазирлигига ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Ҳозирги кунда Олий таълим вазирлиги маълумотларига кўра, республикамиздаги 159 та олий таълим муассасаларида 805 153 нафар (эркаклар – 433 902 нафар, аёллар – 371 251 нафар) талабалар таҳсил олмоқда. Уларнинг 91 374 нафари (50 044 нафар – қизлар) талабалар турар жойларида, 148 385 нафари ижарада, 44 323 нафари яқин қариндошлари, 262 229 нафари

доимий яшаш жойларида истиқомат қилмоқда[4].

Ўрганишлар натижасида жорий йилнинг ўтган 6 оyi давомида олий таълим муассасалари талабаларидан 504 нафари жиноят содир этган бўлиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 216 нафарга ёки 75 фоизга (2021 йил 6 ойда – 288 нафар) ошган. Хусусан, жиноят содир этган талабалар сони Бухорода – 15,4 фоизга (26/22), Тошкент вилоятида – 11,4 фоизга (44/39), Навоийда – 15 фоизга (20/17) камайган. Самарқандда 514,3 фоизга (7/43), Жиззахда 122,3 фоизга (9/20), Сурхондарёда 414,3 фоизга (7/36), Тошкент шаҳрида 118,8 фоизга (32/70), Наманганда 42,9 фоизга (28/40), Фарғонада 98,2 фоизга (55/109), Сирдарёда 100 фоизга (0/5), Хоразмда 100 фоизга (0/8), Андижонда 10 фоизга (24/48), Қашқадарёда 23,5 фоизга (17/21), Қорақалпоғистон Республикаси 40 фоизга (15/21) ошган. Жиноят содир этган талабаларнинг 76,3 фоизи энг юқори салмоғи Фарғона (109), Тошкент шаҳар (70), Андижон (48), Самарқанд (43), Наманган (40), Тошкент вилояти (39), Сурхондарё (36) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт университетининг 16 нафар, Фарғона давлат университети 14 нафар, Самарқанд давлат университетининг 13 нафар, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Андижон давлат университетининг 11 нафар, Фарғона давлат политехника институтининг 11 нафар, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 10 нафар, талабалари томонидан турли жиноятлар содир этилиб, республикада салмоғи юқори бўлиб қолмоқда.



Содир этилган жиноятларнинг 431 таси (67,5%) жиноят қидирув, 61 таси (10,3%) иқтисодиёт ва 126 таси (20,4%) бошқа соҳа жиноятларини ташкил этган[5].

Жорий йилнинг 4 март куни Давлатимиз раҳбари томонидан олий ўқув юртлари талабалари бандлигини таъминлаш масаласи юзасидан ўтказилган йиғилиш давомида талабалар томонидан жиноятлар содир этилиши қаттиқ танқид қилинди. Ушбу йиғилиш давомида берилган топшириқ асосида, Ички ишлар вазирлиги томонидан алоҳида ишчи гуруҳ тузилиб, талабалар томонидан жиноятлар содир этилиши сабаблари ҳамда талабалар турар жойлари жойга чиққан ҳолда ўрганилди.

Таҳлиллар ва ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, жиноятга қўл урган талаба-ўқувчиларининг бир қисми ўзаро келишмовчилик ва ўқиш вақтида юзага келган етишмовчилик сабабли қўл урса, иккинчи қисми эса айнан маънавий-маърифий дунёқараши тўғри шаклланмаганлиги ва енгил ҳаёт тарзига берилганлиги сабабли жиноятга қўл урмоқда.

2022 йилнинг 6 ойи даврида жиноятчилик сабаблари ва омилларининг таҳлиliga кўра, жиноятларнинг 25,5 фоизи (110) осон пул топиш ёки моддий етишмовчилик, 14,6 фоизи ўзаро келишмовчилик (63), 7,6 фоизи (33) ҳуқуқий саводсизлик, 14,3 фоизи (62) йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик, 53,3 фоизи (330) бошқа сабаблар оқибатида содир этилган.

Бугунги кунда республика бўйича фаолият кўрсатаётган жами 159 та олий таълим муассасаларининг 105 тасини

давлат, 24 тасини нодавлат ва 30 тасини хорижий олий таълим муассасалари ташкил этади. Олий таълим муассасалари билан 110 та штат бирликлари олиниши бўйича шартномалар тузилиб, 103 та профилактика инспектори ҳамда 7 та хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор (2022 йил январь ойида фақатгина Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида 28 нафар профилактика инспектори штат бирликлари мавжуд бўлган) штат бирликлари жорий этилди.

Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторлари томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида жами 2 855 та профилактик тадбирлар ўтказилиб, уларнинг 536 таси “Давомат”, 149 таси “Тиғ”, 1 198 таси маданий тадбирларни, 183 таси спорт мусобақаларни ташкил қилди.

Шунингдек, профилактика инспекторлари томонидан олий таълим муассасаларида талабалар билан 789 та учрашувлар ўтказилиб, уларнинг 751 тасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, 27 тасида турли салбий иллатларга қарши курашиш ва 11 тасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди. олий таълим муассасаларидаги профилактика инспекторлари профилактик ишларни амалга оширишда таълим муассасалари томонидан самарали илмий дастурлар, хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда илмий томондан ҳамкорлик амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Мисол учун, ИИБ Академияси томонидан илмий изланишлар натижасида ўрганилаётган йўналишдаги ривожланган мамлакатлар (шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Қўшнилар назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes topplers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crime prevention through environment design (broken window)) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин. Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” дастурий комплекси ишга туширилди.

Бу борада, К.Г.Узакбаев фикрича, вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга доир ривожланган хорижий давлатлари тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари: биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқлигида;

иккинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларининг кодификация қилинганлигида; учинчидан, “вояга етмаганлар ҳуқуқи («ювенальное право»)» нинг мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилганлигида; тўртинчидан, вояга ҳуқуқларини ҳимоялаш даражасини ошириш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича одил судлов тизимининг жорий этилганлигида намоён бўлади[6].

Бундан ташқари, ички ишлар органлари раҳбарлари фармойиши билан ички ишлар органлари соҳавий хизматлари раҳбарлари олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини самарали ташкил этишга масъул этиб бириктирилиб, улар томонидан бевосита олий таълим муассасалари раҳбарияти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари иштирокида бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Бироқ, айрим олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил талабаларни ўз вақтида аниқланиб, улар билан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар самарали ташкил этилмаётганлиги, улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасидаги ишлар тўғри ташкил этилмаганлиги натижасида талабалар томонидан жиноятлар содир этилишига имкон яратилмоқда.

Фикримизча, талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг ҳақиқий сабабларини ижтимоий,



иқтисодий, психологик, тиббий ва педагогик муаммолар тизимидан излаш лозим. Шу билан бирга, муаммоларни “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” тартибида аниқлаб, уларни ҳал этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизимини жорий этиш, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” ҳамда “Аёллар дафтари”ни юритиш[7] айнан талабаларни бандлигини таъминланишига ва уларга моддий-ижтимоий ёрдам кўрсатилишига самарали хизмат қилади. Чунки, талабалар таркибини нафақат ёшлар ташкил этиб қолмасдан ёши катта қатлам вакиллари ҳам ташкил этади. Юқоридагиларни инобатга олиб, барча олий таълим муассасаларига талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

биринчидан, тарбияси оғир, мустақил меҳнат қилиш истаги бўлмаган, енгил ҳаёт кечириш тарзига ўрганиб қолган талабалар билан таълим муассасаси ўзида профилактик тадбирларни амалга ошириб, уларни жамиятимизнинг муносиб вакилига айлантириш имкониятининг яратилиши;

иккинчидан, ёшларнинг ҳар бир таълим муассасаси кесимида рўйхатларини тузиб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ишлари “талабабай” йўлга қўйилиши;

учинчидан, талабалар томонидан содир этиладиган жиноятларни олдини олиш борасида таълим муассасалари раҳбарияти ва ички ишлар органлари вакиллари томонидан ҳар ойда талабаларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун спорт, маънавий ва маърифий тадбирларни ўтказиб бориш;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил талабалар тўғрисида таълим муассасалари раҳбарияти ва профессор ўқитувчилари томонидан ички ишлар органларига маълумот бериб турилиши ҳамда таълим муассасасига бириктирилган профилактика инспектори ушбу талабалар билан профилактик суҳбатлар ўтказиб бориши;

бешинчидан, таълим муассасалари ва ички ишлар органлари томонидан талабалар ҳуқуқбузарлигини олдини олишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

олтинчидан, таълим муассасалари ва ички ишлар органлари ўртасида талабалар ҳуқуқбузарлигини олдини олишдаги фаолиятининг очиқлигини таъминлаш.

Юқорида билдирилган фикрларнинг амалётга тадбиқ этилиши, нафақат талабалар ўртасидаги жиноятчиликни жиловлашга замин яратишига, балки, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг кескин камайишига эришилишига ишонамиз.

## References:



1. Досумходжаев Ф.А. Талаба-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари. Педагогика ва психологияда инновациялар. 3-махсус сон. 2020 й. 286 б. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-3-31>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://ach.gov.uz/uz/lists/view/54>.
3. Жумаев Р.Ф. Ҳуқуқий таълим – эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим мезони. Образование и инновационные исследования (2021 год №7). 17 б. DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.50.34.002>
4. Олий таълим вазирлигининг 2022 йил олти ойлик ҳисоботидан.
5. Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил олти ойлик ҳисоботидан.
6. Узакбаев К.Г. вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг илмий-назарий таҳлили: хориж тажрибаси. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS). 2022й.355 б. DOI: 10.24412/2181-2454-2022-5-346-355
7. Юсупов Р.Д. Ички ишлар органларининг ҳудудларда “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” тартибида ишлашни ташкил этиш ва бошқариш. Journal of Advanced Research and Stability. 2022 й. 265 б.